

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**«Jahon ixtisoslashtirilgan aralash mollari savdo kompleksi» АЖ акциядорлар умумий йиғилишининг 201\_ йил  
«\_\_» \_\_\_\_\_даги қарори билан**

**«Jahon ixtisoslashtirilgan aralash mollari savdo kompleksi» АЖ вакилларининг, устав фондида иштирок этаётган хўжалик жамиятлари бошқарув органларида овоз бериш**

**ТАРТИБИ**

## **МУНДАРИЖА:**

I. Умумий қоидалар

II. Жамиятнинг улуши мавжуд хўжалик жамиятлари билан ўзаро муносабатларининг мақсад ва вазифалари

III. Хўжалик жамиятлари бошқарув органлари кун тартиби масалалари бўйича Жамият (АЖ вакиллари) позициясини аниqlаш

IV. Жамият вакилларининг жавобгарлиги

V. Якунловчи қоидалар

## I.УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва Жамият Устави асосида ишлаб чиқилган ҳамда **«Jahon ixtisoslashtirilgan aralash mollari savdo kompleksi»** акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда - Жамият) устав фондида у иштирок этаётган Хўжалик жамиятларига (кейинги ўринларда – Хўжалик жамияти) нисбатан акциядор/иштирокчисининг ҳуқуқларини амалга ошириш масалаларини тартибга солади.

2. Жамиятнинг устав фондида у иштирок этаётган Хўжалик жамияти билан ўзаро ҳамкорлиги жамиятларнинг бошқарув ва назорат органлари томонидан тегишли қарорларни (акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси қарорларини) қабул қилишда амалга оширилади.

3. Мазкур Низомда белгиланмаган йўналишлар бўйича, шунингдек Мазкур Низомда белгиланган йўналишлар бўйича, бироқ у билан тартибга солинмаган қисмида, Жамиятнинг Хўжалик жамияти билан ўзаро ҳамкорлиги масалалари Жамият Устави ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларида белгиланган Жамият ижроия органи томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган Жамиятнинг ташкилий-бошқарув хужжатлари билан тартибга солинади.

## II. ЖАМИЯТНИНГ УЛУШИ МАВЖУД ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Жамиятнинг Хўжалик жамиятлари билан ўзаро муносабати қуидаги мақсадларда амалга оширилади:

- а) Жамият ва Жамиятнинг улуши мавжуд хўжалик жамиятларининг барқарор молиявий ривожланишини, даромад билан ишлашини таъминлаш;
- б) Жамият ва Хўжалик жамиятлари фаолияти жараёнида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига амал қилишини таъминлаш;
- в) Жамият ва Хўжалик жамиятлари акциядорлари/иштирокчиларининг қонунда белгиланган ҳукуқ ва манфаатларини таъминлаш;
- г) Жамият ва Хўжалик жамиятларининг инвестицион жозибадорлигини уларнинг корпоратив “очиқлилигини”, мувозанатлилигини кафолатлаш ва корпоратив сиёsatни олдиндан белгилаб бериш йўли билан ошириш;
- д) Жамият ва Хўжалик жамиятлари акциядорлари, мансабдор шахслари ва меҳнат жамоаси ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш, улар ўртасида низолар юзага келишинининг олдини олиш;
- е) Жамият ва Хўжалик жамиятларининг мувофиқлаштирилган ва самарали инвестицион сиёsatини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш;
- ж) Хўжалик жамиятларининг барча фаолият йўналишлари бўйича муносабатларининг самарадорлигини ошириш.

5. Мазкур Тартибнинг 4-бандида кўрсатилган мақсадларга қуидагилар ёрдамида эришилади:

а) Мазкур Тартибга мувофиқ, Жамият Хўжалик жамиятларининг акциядорлар/иштирокчилар умумий йиғилишида, Кузатув кенгашида ва Тафтиш комиссияларида иштирок этиб, уларнинг келажақдаги ва жорий фаолияти (барча жиҳатдан) устидан назорат қилиш, Хўжалик жамиятларининг акциядорлар/иштирокчилар умумий йиғилишида, Кузатув кенгашида муҳим масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда Жамиятнинг ўрнини (позициясини) аниқлаш;

б) Хўжалик жамиятларида кадрлар сиёсатини мувофиқлаштириш;

в) Жамият ва Хўжалик жамиятлари ўртасидаги молиявий ва тижорат муносабатларни корпоратив режалаштириш ва амалга ошириш;

г) Жамият ва Хўжалик жамиятлари ўртасидаги қулай ахборотлар алмашинувини вужудга келтириш.

6. Жамиятнинг Хўжалик жамияти фаолияти устидан корпоратив назоратни амалга оширишнинг асосий ташкилий-бошқарув шакли – Жамият Устави ва мазкур Тартибга мувофиқ Хўжалик жамияти акциядорлари /иштирокчиларининг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши мажлисининг кун тартибига қўйилган куйидаги масалалар бўйича (шу жумладан Жамият вакилларига кун тартибига қўйилган масалалар бўйича овоз беришда иштирок этиш ёки иштирок этмаслик, қарор лойиҳалари бўйича “ёқлайман”, “қаршиман” ёки “бетарафман” деб овоз бериш топшириги) Жамиятнинг позициясини белгилаш хусусида қарорлар қабул қилиш:

а) Хўжалик жамияти акциядорлари/иштирокчиларининг умумий йиғилиши кун тартибини белгилаш;

б) Хўжалик жамиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш;

в) Хўжалик жамияти Кузатув кенгашининг миқдорий таркибини белгилаш, унга аъзоликка номзодларни кўрсатиш, сайлаш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;

г) Хўжалик жамиятининг эълон қилинган акцияларнинг миқдори, номинал қиймати, тури ва ушбу акциялар тақдим этадиган ҳуқуқларни белгилаш;

д) Хўжалик жамиятининг устав капиталини ошириш;

е) Хўжалик жамияти акцияларини йириклаштириш ва майдалаш;

ж) оддий акцияларга айирбошланадиган Хўжалик жамиятининг қимматли қоғозларини жойлаштириш;

з) Хўжалик жамиятининг бошқа ташкилотларда иштирок этиш (амалдаги ташкилотга кириш ёки янги ташкилотни ташкил қилиш) тўғрисида қарорлар қабул қилиш, Хўжалик жамиятининг бошқа жамиятлардаги улушини ўзgartириш ва иштирокини тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, шу жумладан уларнинг акцияларига(улушларига) мажбурият юклини ташкилотнинг таъсис ҳужжатларига ўзgartириш ва қўшимчалар киритиш;

и) Хўжалик жамиятлари томонидан йирик битимларнинг тузилиши;

к) Хўжалик жамияти ҳамда унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари ўртасида мол-мулкни бошқа шахсга бериш ёки асосий воситалар, номоддий активлар, тугалланмаган қурилиш объектларидан таркиб топган мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битимларни (ўзаро боғланган бир нечта битим) тузиш;

м) Хўжалик жамияти томонидан йирик битимларнинг тузилиши;

н) Хўжалик жамиятларининг шўъба ва тобе жамиятларини қайта ташкил қилиш, тугатиш, устав капиталини ошириш, шунингдек оддий акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш масалалари бўйича Хўжалик жамиятлари вакилларининг позициясини белгилаш.

7. Хўжалик жамиятларининг Кузатув кенгаши уларнинг бошқа ташкилотларда иштирок этиши (шу жумладан таъсис ҳужжатларини келишиш), уларнинг акциялари ва улушларини олиш, бошқа шахсга бериш ва мажбурият юклаш, ушбу ташкилотларнинг устав капиталида иштирок этувчи улушни ўзгартириш, бошқа ташкилотларда Хўжалик жамиятларининг иштирокини тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қиласди.

### **Ш. ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ КУН ТАРТИБИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЖАМИЯТ (АЖ ВАКИЛЛАРИ) ПОЗИЦИЯСИНИ АНИҚЛАШ**

8. Жамиятнинг позициясини белгилаш тўғрисидаги масалани ваколатли органларга кўриб чиқиши учун киритиши ташкил қилиш Акциядорлик жамиятининг ижро органи қимматли қоғозлар бўйича мутахасис томонидан Жамиятнинг ташкилий-бошқарув ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

9. Кўриб чиқилиши Жамиятнинг Кузатув кенгаши ваколатига кирувчи Хўжалик жамиятларининг фаолияти билан боғлиқ барча масалалар бўйича Жамиятнинг позицияси Жамият ижроия органи томонидан белгиланади, уларни ташкил этиш ва Хўжалик жамиятларида Жамиятнинг иштироки билан боғлиқ битимларни тузиш бўйича масалалар бундан мустасно.

10. Акциядорлик жамиятнинг ижро органи бўлинмаси қимматли қоғозлар бўйича мутахасис Хўжалик жамиятлари акциядорлари/иштирокчиларининг Умумий йиғилишини, Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссиясининг мажлисини ўтказиши тўғрисида хабарнома олганидан сўнг Ижроия органига қуидагилардан иборат бўлган ахборотни киритади:

а) хўжалик жамиятлари акциядорлари/иштирокчиларининг Умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши мажлисида кўриб чиқилиши режалаштирилган масалалар;

б) кўзда тутилган муддатлар ва уларни кўриб чиқиши тартиби;

в) ташаббусларнинг сабаби ва асоси;

г) масалани киритган ташаббускорлар билан ўзаро ҳамкорлик амалга оширилиши бўйича ташаббускорлар ва алоқа каналалари;

д) масалалар бўйича акциядорлар/иштирокчиларининг Умумий йиғилиши ва/ёки Кузатув кенгаши қарорларининг лойиҳалари;

е) Хўжалик жамиятлари Ижроия органи, етакчи акциядорлари, Кузатув кенгашининг бошқа аъзолари (Жамият раисидан ташқари) ва бошқа манфаатдор шахсларнинг позициялари;

ж) Хўжалик жамиятларининг ижроия органида мавжуд бўлган масалалар билан боғлиқ таҳлилий ва ахборот материаллари;

3) Жамиятнинг позицияси лойиҳаси.

11. Ижроия органи қимматли қоғозлар бўйича мутахасис томонидан тақдим этилган ахборотни ва унга илова қилинган тегишли материалларни ўрганиб чиқиб, Жамиятнинг позициясини белгилаш ва Жамият вакилига сайлов бўйича кўрсатма бериш ёки агар кун тартибига қўйилган масалалларни кўриб чиқиши Жамият Кузатув кенгашининг ваколатига кирса, Жамиятнинг Кузатув кенгаши мажлисига масалани киритиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

12. Мазкур Тартибининг 11-бандида белгиланган қарорни қабул қилишда Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалани олдиндан кўриб чиқиши зарурияти (Жамият Кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш муддатлари ҳамда тартибини ҳисобга олган ҳолда), шунингдек Жамият Кузатув кенгашининг якуний қарори қабул қилингунга қадар ташкилий ва/ёки эксперт характеристидаги тайёргарлик тадбирларини амалга оширишнинг мақбуллиги ҳисобга олиниши лозим.

13. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига масалани киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг, ижро органининг ваколатли бўлинмаси мажлис санасигача 10 кундан кечиктирмай Кузатув кенгаши аъзоларини хужжатлар, ахборот, таҳлилий ва бошқа материаллар билан таъминлайди.

14. Жамиятнинг Кузатув кенгаши тақдим этилган материалларни ўрганиш натижасида Жамиятнинг позициясини белгилаш ва овоз бериш бўйича Жамият вакилига кўрсатма бериш тўғрисида қарор қабул қиласди.

15. Вакил Хўжалик жамиятлари акциядорларининг (иштирокчиларининг) Умумий йиғилиши ишида қонун хужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва сайлов бўйича ёзма кўрсатмалар асосида иштирок этади.

16. Хўжалик жамиятларининг Кузатув кенгаши аъзоси ҳисобланган Жамият вакили Хўжалик жамиятлари акциядорлари/иштирокчиларининг Умумий йиғилишининг ва Кузатув кенгаши мажлисининг кун тартибига киритилган қуйидаги масалалар бўйича овоз бериш тартибини мажбурий тартибда Жамият билан олдиндан келишади:

а) қайтадан ташкил этиш, тугатиш;

б) Жамиятнинг ижроия органини ташкил қилиш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш ва бошқалар), унинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;

в) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп микдорини белгилаш;

г) акцияларни йириклиштириш ва майдалаш;

д) жамиятнинг устав капитали микдорини ошириш ёки камайтириш;

е) йирик битимлар ёки манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузиш.

Бошқа масалалар бўйича Жамият вакили Жамият манфаатларини кўзлаб мустақил қарорлар қабул қиласди.

17. Жамият вакиллари агар кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиши Жамият Кузатув кенгаши ваколатига кирган ҳолларда Жамият Кузатув кенгаши томонидан позицияси белгиланмаган Хўжалик жамиятлари акциядорлари/иштирокчиларининг умумий йиғилишини, Кузатув кенгаши

мажлисининг кун тартибидаги масалалар бўйича овоз беришда иштирок этишга ҳақли эмас.

18. Жамият вакилларининг ишончномалари ва овоз бериш бўйича кўрсатмаларининг нусҳалари, шунингдек қарор қабул қилишга асос бўлган материаллар, Жамият акциядорлари/иштирокчилари йиғилишининг жараёни ва натижалари тўғрисидаги вакилларнинг ҳисоботлари, шунингдек вакилнинг овоз бериши учун бюллетенларнинг нусҳалари хужжатларни тақдим этган органларнинг таркибий бўлинмалари томонидан 5 йил мобайнидан сақланади.

#### **IV. ЖАМИЯТ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

19. Вакил томонидан овоз бериш бўйича кўрсатмаларга зид бўлган харакатларнинг бажарилиши натижасида Жамиятга (Хўжалик жамиятига) зарар етса, Жамиятнинг қонун хужжатларига мувофиқ вакилни жавобгарликка тортиш ташаббуси билан чиқиши учун асос бўлиши мумкин.

#### **V. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

20. Мазкур Тартиб Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

21. Мазкур Тартиб маҳфий ахборотни акс эттирган хужжат ҳисобланмайди (ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган хужжат ҳисобланади).